

«O‘ZBEKISTON POCHTASI» AKSIYADORLIK JAMIYATI JIZZAX FILIALI (кейинги ўринларда «Сотувчи» деб аталади) номидан Жамиятнинг 2018 йил 11 майдаги №29-18/1223-сонли ишончномага асосан, Жамият Устави ва Филиал Низоми асосида фаолият юритувчи филиал директори вазифасини бажарувчи Сардор Холмирзаевич Носиров бир томондан ва Зардор Тулганович Холмирзаевич (кейинги ўринларда «Харидор» деб аталади) За ҲФМҚС ширкати (кейинги ўринларда «Харидор» деб аталади) номидан Мамаரசев ВБ Низоми асосида фаолият юритувчи ҲБҚМ раҳбари Мамаரசев ВБ иккинчи томондан, ушбу олди-сотди шартномани куйидагилар ҳақида туздик.

I. ШАРТНОМА ПРЕДМЕТИ

1.1. «Сотувчи» ўзига тегишли шартноманинг 1.2.-бандида қайд қилинган маҳсулотларини «Харидор»нинг талабига асосан сотишни, «Харидор» сотиб олинаётган ушбу маҳсулотларнинг ҳақини мазкур шартномада шартлашилган муддатлар ичида тўлаб беришни ўз зиммаларига оладилар.

1.2. «Сотувчи» сотаётган, «Харидор» сотиб олаётган почта товар маҳсулотлари тўғрисида маълумот.

т/р	Маҳсулотлар номи	Фойдаланиш кафолат муддати	Ўл. бирлиги	Сони	Нархи	Суммаси
1	Почта хизмати		хизмат	1	1000 000	1000 000
	Маши ҚҚС билан					1000 000

II. ШАРТНОМАНИНГ ҚИЙМАТИ

2.1. Шартноманинг умумий суммаси 1000 000 (Бир миллион) сўмни ташкил қилади.
ҚҚС билан - 130434,8

III. ТЎЛОВ ШАРТЛАРИ

3.1. Мазкур шартнома бўйича тўлов, олдиндан 30 (%) фоизини, қолган 70 (%) фоизини счет-фактура билан почта товар маҳсулотларни олиб кетган кундан 15(ўн беш) кун ичида пул ўтказиш йўли билан амалга оширади.

IV. МАЖБУРИЯТЛАРНИ БАЖАРИШ МУДДАТИ

4.1. «Харидор», шартноманинг 2.1.-бандида қайд қилинган суммани шартнома имзоланган кундан, 3(уч) банк куни ичида олдиндан 30 (%) фоиз тўловни, қолган 70 (%) фоизини счет-фактура билан почта товар маҳсулотларни олиб кетган кундан 15(ўн беш) кун ичида амалга оширишни ўз зиммасига олади.

4.2. «Сотувчи», шартномада қайд қилинган сумма, ҳисоб рақамига тўлиқ келиб тушгандан кейин, шартноманинг 1.2.-банди қайд қилинган маҳсулотларни 3(уч) иш куни ичида, тақдим этган ишончномага асосан счет фактура орқали беради.

4.3. «Харидор», шартноманинг 1.2.-банди қайд қилинган маҳсулотларни ўз автотранспорт воситалари орқали счет-фактура билан почта товар маҳсулотларни олиб кетган кундан бошлаб, қолган 85 (%) фоиз тўлов мазкур шартноманинг 4.1.-бандида қайд қилинган кун ичида амалга оширган кун шартнома шартлари тўлиқ бажарилган ҳисобланади.

V. ТАРАФЛАРНИНГ МАЖБУРИЯТЛАРИ

5.1. «Сотувчи»нинг мажбуриятлари.

5.1.1. Шартноманинг 4.2.-бандида кўрсатилган шартларга риоя қилган ҳолда, «Харидор»га шартноманинг 1.2.-бандида қайд қилинган маҳсулотларни бериш.

5.1.2. Тегишли даражада сифатсиз маҳсулот юборилганлиги тўғрисида хабарнома олгандан сўнг, сифатли бўлмаган маҳсулотлар билан 5(беш) иш куни ичида алмаштириб бериш.

5.2. «Харидор»нинг мажбуриятлари.

5.2.1. Маҳсулотни, ишончномага асосан счет-фактура орқали, ушбу шартномада ва амалдаги Қонун ҳужжатларидаги бутлаш тартибига, сонига, сифатига қараб белгиланган муддатлар ичида ўз транспорт воситалари орқали олиб кетиш.

5.2.2. Тегишли даражада сифатли бўлмаган маҳсулотлар келиб тушганлиги аниқланган кундан бошлаб, 12(ўн икки) соат ичида «Сотувчи»ни хабардор қилиш ва «Сотувчи»нинг вакили иштирокида икки томонлама далолатнома тузиш.

5.2.3. Шартноманинг 2.1.-бандига асосан шартноманинг умумий суммасини тўлиқ олдиндан ўтказиб бериш.